

# ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ

ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ

ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ, МАЊНАВИЙ - МАЃРИФИЙ,  
ФАЛСАФИЙ - ҲУҚУҚИЙ ЖУРНАЛ

2  
2021

*FALSAFA va NIQOQ*  
**ФИЛОСОФИЯ и ПРАВО**  
**PHILOSOPHY and LAW**

# ФАЛСАФА ва ҲУҚУҚ

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий-хукуқий журнал  
2021/2 (№19)

Биз янги шароитда маънавий-маърифий ишиларни кучайтиришига интилмоқдамиз.  
Бундай ёндашув – бугунги ва келгуси ривоҷланишишимиз учун мустаҳкам пойдевордир.

Шу маънода, Янги Ўзбекистонни барпо этиши – яқин ва олис тарихимиз, бетакрор ва ноёб маданий бойликларимизни янада чуқур ўрганиб, уларга таяниб, мустақил миллий тараққиёт йўлимизни янги босқичда давом эттириш демакдир.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев*

Журнализминг мазкур сонида Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти ва Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ҳамкорлигига “Янги Ўзбекистонда маънавий ва моддий омиллар диалектикаси” мавзууда 2021 йил 19 майда ташкил этилган илмий-амалий анжуман материаллари ҳам чоп этилмоқда.

## Таҳрир ҳайъати:

М.Н.Абдуллаева -  
ф.ф.д., профессор  
Б.Т.Тўйчиев –  
ф.ф.д., профессор  
Ж.С.Раматов –  
ф.ф.д., профессор  
Г.Т.Махмудова -  
ф.ф.д., профессор  
Й.О.Жўраев -  
ю.ф.д., профессор  
Қ.Н.Назаров –  
ф.ф.д., профессор  
Р.Ж. Рўзиев -  
ю.ф.д., профессор  
А.Ў.Ўтамуродов -  
ф.ф.и., профессор

Бош муҳаррир:  
А.Г.Муминов –  
с.ф.д., профессор

М у а с с и с: Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
Университети

Таҳририят манзили: 100095 Тошкент шаҳар,  
Университет кўч., 4.  
[www. www.nuu.uz/uzc/info/falsafa3](http://www.nuu.uz/uzc/info/falsafa3)  
E-mail: [falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz](mailto:falsafavahuquq-jurnal@nuu.uz)

**ISSN 2181-7294**

Босилига 24.09.2021 й.да руҳсат этилди  
Бичими 60x84<sup>1/8</sup>. Ofset қозози. ЎзМУ босмахонасида  
ризографда босилди. “Times” гарнитураси. Хажми 30 б.т.  
Нашриёт ҳисоб табоғи 30 б.т. Адади 70 нусха.  
Буюртма №127.

Журнални нашрга тайёрловчилар  
Қ.Назаров, А.Муминов, Х.Соқиев

## ФАРБ ФАЛСАФАСИДАГИ “МИЛЛАТ” ТУШУНЧАСИ: СУБЪЕКТИВ ЁНДАШУВ

Алимухамедова Н.Я., -  
ТИҚҲММИ катта ўқитувчиси

ХХ аср дунё ҳамжамияти учун глобаллашув асри бўлди. Бугунги кунда ҳам авж олиб бораётган ушбу объектив жараён хосиласи бўлмиш иқтисодиёт, сиёсат, маданият, ижтимоий ҳаёт ва оммавий ахборот коммуникацияларининг технологик модернизацияси миңтақалар, цивилизациялар, давлатлар ва миллатлар орасидаги чегараларни аста секинлик билан ўчириб бормоқда. Глобаллашув замонавий кўринишда интеграциянинг кўп даражали ва серкирра тизими сифатида намоён бўлмоқда, шу жумладан миллий интеграциялашув ҳам авж олиб бораётган бир даврда миллий ҳаракатларнинг кучайиши, миллатлар ва миллатчиликнинг келиб чиқиши, уларнинг моҳияти, шаклланиши ва ривожланиши тамойиллари, ҳаракат механизмлари тўғрисида бир қатор муҳим масалалар юзага келмоқда. Миллий масалалар нафакат давлатнинг ички ва ташки сиёсати даражасида, балки жамиятнинг барча соҳаларида ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Глобаллашув асрида ижтимоий-гуманитар фанларларнинг миллат ва миллатнинг шаклланиши (келиб чиқиши) муаммосига бераётган алоҳида эътибори дунё ҳаритасида мустақил давлатлар сонини ортганлиги билан ҳам боғлиқ, албатта. Бундай давлатлар ўз олдига, миллий ғоя асосида кўп миллатли жамиятни бирлаштирип вазифасини кўйган, чунки жамият ҳаётининг энг муҳим шартларидан бири турли миллат ва эллат вакиллари ўргасида бирлик ва ҳамжихатлик муҳитини яратишdir. Шундай экан миллат, миллий идентификация, миллий ўзига хосликни ўрганиш муаммолари ўзига тобора кўпроқ эътибор тортмоқда, уларнинг атрофида кўплаб мунозаралар бўлиб ўтмоқда. Миллий ўзига хослик ва миллатлараро муносабатлар масалалари, юқорида таъкидланганидай, дунё ҳамжамиятига интеграллашувни мақсад қилган ва бу йуналишда ўзгаришлар юз бераётган кўп миллатли давлатлар учун долзарбdir, шу жумладан 130 дан ошпик миллат ва эллат вакиллари истиқомат қилувчи Ўзбекистон учун ҳам муҳим масаладир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида ҳалқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараш ўзгармоқда. Юртимизда хукукий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган ҳаётбахш гоянинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 23-майдаги ПҚ-2993-сонли “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатларо билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида”ги Фармони жамиятда барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш, фуқаролар онгидаги катта, кўп миллатли ягона оиласга мансублик туйғусини мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш ва яънада ривожлантириш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтишига қаратилган[2]. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «фуқаролик, миллатлараро ва конфесиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш», мамлакатимиздаги кўп миллатли ҳалқимизнинг ўзига хос фазилатларидан келиб чиқиб, миллатлараро тотувликни, ҳамжихатликни таъминлашга қаратилган, миллатларнинг ўзаро бир-бирини хурмат қилиши тамойилига асосланган миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг энг муҳим устувор йўналишлари белгилаш каби муҳим вазифалар белгиланган[3]. Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миљати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшashi давлатнинг бош мақсади сифатида стратегик йўналиш сифатида белгиланмоқда.

Глобал тараққиёт шароитида “миллат”, “этнос”, “идентификация”, “миллий ўзига хослик” тушунчаларининг фалсафий маъносига ойдинлик киритиш муҳимдир. Бугун дунёда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ шахснинг ўз-ўзини миллий идентификацияси жамиятни

бирлаштириш омили сифатида, миллый онгни шакллантиришда миллый-маданий контекстнинг аҳамиятини ошириб бормоқда. Миллый тикланиш, миллый юксалиш, миллый бирлик ва яхлитликнинг асоси нафакат сиёсий ирода, балки иммий таҳлилларга ҳам боғлиқ ва улар давлатнинг миллый сиёсатининг концептуал асосларини ташкил этади. Албатта, комплекс тадқиқотлар услубий базаси олимлар хамжамияти томонидан тан олинган этник гурухлар ва миллатларнинг келиб чиқиши ва ривожланиш назариясини ўз ичига олиши керак. Аммо мутлақо “изчили” классик назария хозирги кунгача мавжуд эмас. Ижтимоий-гуманитар фанлар, айниқса ижтимоий фалсафа, социал антропология, этнология ва тарих фанларида этнос, ҳалқ, миллат тушунчаларига янгича қараш ва ёндашувлар шаклланиб, этномиллый идентификацион жараёнларнинг кучайиши, этногенез ва миллатнинг келиб чиқиши масалаларини ўрганишда мавжуд методларнинг етарли натижага бермаслиги янги парадигмал ёндашувларни тақозо этади.

Этник гурухлар, миллатлар, миллый давлатлар ва миллатчиликнинг моҳияти, келиб чиқиши ва эволюцияси ҳақидаги замонавий концепцияларнинг фалсафий асосларини ўрганиш учун, ўтган асрлардаги файласуфлар, социологлар, этнологлар ва антропологларнинг ғоялари ва тадқиқотларига мурожаат қилмоғимиз даркор. Совет давридаги тадқиқотлар миллат, миллатчилик, миллатлараро муносабатларни ўрганишда бир томонлама бўлган марксистик методологияга асосланган.

Ғарбда «миллат»ни замонавий талқинда тушуниш XVIII аср Буюк Француз революциясидан кейин, миллый давлатчиликнинг вужудга келиши, миллый ўзликни англаш жараёни билан ҳамнафасликда шаклланган. Миллат шаклланиши ҳақидаги мунозаралар, этномиллый назарияларга тегишли адабиётлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан яратила бошланди. Албатта, кўйилган муаммонинг долзарблиги, фалсафа учун анъанавий бўлган дунёкарош ва услубий парадигмаларнинг қайси бири "тўғри" эканлиги ва миллатнинг конкрет тадқиқотлари учун тавсия этилиши мумкин бўлган яна бир ечим зарурлигини истесъено қилмайди. Шубҳасиз, ҳар қандай парадигма иммий тадқиқотлар учун восита бўлиб, ҳар бир ўзига хос эпистемологик вазиятда замонавий миллат ва миллатчиликнинг асл мақсади нима эканлигини тушунишда етарли натижаларига эришиш учун ушбу воситадан иложи борича кўпроқ фойдаланиш керак.

Этнос, этниклик, миллат тунчаларининг таъриифига икки хил ёндашув вужудга келган. Уларни шартли равишда «этник» ёки объектив («немисларники») ва «сиёсий» ёки субъектив («французларники») ёндашувлар деб классификациялаш мумкин. Объектив ва субъектив таърифларни бериш имкониятини кўрсатувчи миллатчилик назариётчиси ва танқидчиси, британиялик тарихчи Е. Хобсбаум томонидан таклиф килинган. Ғарб тарихий, сиёсатшунослик, миллатлар ва миллатчиликка бағищланган фалсафий асарлари орасида конструктивизм миллый ҳодисаларга субъектив ёндошиш сифатида ажralиб туради.

Миллат тарифига «немислар» ёндашуви немис файласуфи И. Гердер ва немис романтиклари асарларида ўз ифодасини топган. И. Гердер фикрича миллатлар умумий келиб чиқиш, умумий маданиятта эга бўлган инсонларнинг табиий уюшмаси бўлиб, «миллый рухият»ни ўзида акс эттиради ва «қон ва замин»[4. 124,206] бирлиги асосида вужудга келади. Файласуф миллатнинг ўзига хос дунёкараши, маданий қадриятларнинг мавжудлиги ва уларнинг аҳамиятига катта эътибор беради. Яъни миллатларнинг келиб чиқиши табиий-тарихий шаклланиш натижаси эканлиги ва шунинг учун объектив ижтимоий ҳодисалар сифатида мавжудлиги таъкидланади.

Француз олими Эрнест Ренан 1882 йил 11 март Сорбонда “Миллат нима?” мавзусидаги маъruzасида: «Миллат — бу ўтган даврдаги қурбонликлар ва келажақдаги қурбонликлар эвазига шаклланган буюк ҳамжихатликдир..... миллатлар тарихдаги янги ҳодиса. Замонавий миллатларни ташкил этишда этнографик мулоҳазалар аҳамиясиз бўлган»[5. 103], деб таърифлайди. Унинг фикрича, миллат юрагида алангаси бор, ўткир тафаккур эгалари – инсонлар онгининг маҳсулидир. “Француз на галл, на франк ва на бургунд ҳам эмас. У Франция қироли буйруғи билан турли хил элементларни бирлаштирган улкан печдан

чиқди...Инстинктив онг Европа харитасини тузишдан олдин ирқ билан ҳисоблашмаган ва Европанинг биринчи ҳалқлари асосан қони аралаш миллатлардир”[5. 93].

Ренан ирқий таасуфлик ёки қабила миллатни шаклланишидаги омил эмаслигиниг таъкидлайди. “Тўғри, ҳеч қандай тоза ирқлар йўқ ва сиёсатни этнографик таҳлилга асослаш уни химерага айлантиришдир. Энг катта мамлакатлар, Англия, Франция, Италия қон энг кўп аралашган давлатлардир. Германия бу борада истисноми? Бу соф немис давлатими? Қандай муболага! Бутун жануб галларники, Эльбадан бошлаб бутун шарқ славянларники эди” [5. 96]. Миллат - бу маънавий тамойил, тарихнинг чуқур асоратлари натижаси, маънавий оила бўлиб, юзаки шаклий белгилари бирламчи гурух эмас. Олим фикрича ирқ, тил, манфаатлар, диний қарашлар, географик худуд, ва на ҳарбий эҳтиёжлар миллатни белгиловчи омил бўла олмайди. Унинг фикрича, буюк ўтмиш, қаҳрамон инсонлар, шон-шараф (ҳақиқийси) - булар миллий ғоя асосини ташкил этувчи мезондир. Ўтмишда умумий шон-шарафга, келажакда умумий орзуларга эга бўлиш, биргалиқда улкан ишларни бажариш, келажакда хам биргалиқда улкан ишларни бажариш истаги - бу миллат мавжудлигининг асосий шартлари[5. 101], - деб, миллатнинг идентификация белгиларини эркин, ихтиёрий танлашнишига ургу берилади ва бу танлов ғоявий ва сиёсий позицияси билан боғлиқлиги таъкидланади.

Инсон ирқ, тил, дин, дарё оқими ёки тоғ тизмалари йўналишининг кули эмас. Ақл-идрок ва юраги ёнаётган одамларнинг ажойиб йиғилиши миллат деб номланган ахлоқий онгни яратади. Ушбу ахлоқий онг ўз кучини шахснинг жамият манфаати учун воз кечишни талаб киладиган қурбонликлар билан исботлаганлиги сабабли, у қонунийдир, мавжуд бўлиш ҳуқуқига эга. Ренан фикрича миллат ижод маҳсули сифатида умумий "тарихий хотираға" эга, айнан шу ҳамжамиятда яшашни давом эттиришга қатый иродаси бўлган ижтимоий ва онтологик ходисадир. Демак, конструктивистик ёндашув этнос ва миллатни сунъий тузилма, инсонларнинг мақсадга қаратилган фаолиятининг натижаси сифатида таърифлайди.

ХХ-асрнинг иккинчи ярмида Фарб фанида миллат ва миллатпарварликнинг келиб чиқиши ва табиатининг ижтимоий ва сиёсий жиҳатларини ўрганишда муҳим тажриба тўпланди. Таникли инглиз олими Эрнест Геллнер «миллатни инсон яратган, миллат инсон онгининг маҳсулидир», «миллат илмий конструкция бўлиб, ўта эмоционал ва сезиш, англаш кийин бўлган «блок»лардан тузилган. Булар жамоага даҳлдорлик ва бирдамлик ҳисси, умумий мерос ва ихтиёрий идентификация, танлаш ҳуқуқи»[6. 120-131], дир деб таъкидлайди. У миллатларни реал ва потенциал миллатларга бўлади. Э.Геллнер фикрича юксак маданиятга, ўз давлатчилигига эга бўлган миллатгина реал миллатдир. Миллатлар индустрештириш, ишлаб чиқариш усули, бозор иқтисодиётининг маҳсули бўлсада, улар билан бир қаторда маданият ва маданиятдаги фарқлар, тафовутлар «замонавий миллатларни дунёга келтирувчи ва белгиловчи»[6. 19] омилдир, деб таъкидлайди олим.

Британиялик сиёсатшунос ва социолог Б.Андерсен ўзининг «Тасаввурдаги ҳамжамиятлар» номли фундаментал тадқиқотида миллатни «тасаввурдаги сиёсий ҳамжамият» сифатида характерлайди. «Тасаввурдаги ҳамжамият» яъни миллатнинг вакиллари ўзаро бевосита алоқа ўрнатмайдилар, шунинг учун ҳам миллатнинг шаклланиши ҳам, мавжудлиги ҳам бизнинг тасаввуримизда. Тасаввурлар – ёлғон эмас, аксинча у ижод натижаси, яратилиш демакдир[7. 31].

Миллий давлатчиликнинг шаклланиши билан миллатлар ва миллатчиликнинг сиёсий жиҳатлари, масалан, миллий ўзига хослик ва миллий ҳамжамиятни шакллантириш имкониятлари ва механизмлари, шунингдек, миллий мафкура ва сиёсий ҳаракатлар, биринчي ўринга чиқди. Фарб социологияси, фалсафасида миллат ва миллатпарварлик келиб чиқиши ва табиатини тадқиқ қилишнинг назариялари, методологияси ва усувлари бўйича тажрибаси маҳаллий фан учун айникса долзарб бўлиб қолди.

Хуллас, бугунги кунга қадар изланайтган муаммога қизиқиши тадқиқотчиларни аниқ “келишилган” натижага олиб келмади; олдингидек, миллат ва миллатчиликнинг кўплаб концепцияларининг ҳеч бири олимлар орасида классик ёки ҳатто умуман қабул қилинган назария мақомини олмаган. Миллий тушунча муаммосига багишлиган тадқиқот адабиётларида вужудга келган епистемологик вазият чалкашлиги аниқ. Шунингдек бугунги

глобаллашув жараёнлари кўплаб этник гурухлар ва уларнинг маданияти борлиғига ва ривожланишига таҳдид солмоқда. Этномаданий хилма-хилликни йўқотиш хавфи этник жамоалар ва уларнинг элита вакилларининг ўзлигини сақлашга, шу жумладан ўзларининг суверен миллий давлатларини яратишга ҳакли равишда интилишини келтириб чиқарди.

### Адабиётлар:

1. “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2021 йил 26 март.
2. Назаров Қ. ва бошқалар. Миллий ғоя ва Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. Ўқув қўлланма. - Т.: “Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти”, 2019
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
4. Гердер И. Идеи к философии истории человечества. – М., 1977. С. 124, 206.
5. [http://www.hrono.ru/statii/2006/renan\\_naci.php/](http://www.hrono.ru/statii/2006/renan_naci.php/) Ренан Э. Что такое нация? // Ренан Э. Собрание сочинений в 12-ти томах. Перевод с французского под редакцией В.Н. Михайловского. Т.6. Киев, 1902. С.103
6. Геллер Э. "Нации и национализм" // "Вопросы философии", № 7, 1989. С. 120—131.
7. Андерсен Б. Воображаемые сообщества. Размышления об истоках и распространении национализма. - М.; Айрис Пресс, 2001. - С.31.

### РЕЗЮМЕ:

Ушбу маколада “миллат”, “этнос”, “миллатчилик” тушунчаларининг фалсафий талқинлари, ижтимоий-сиёсий, фалсафий концепциялар ривожи, этномаданий плюрализмнинг ижтимоий-сиёсий мазмуни, ушбу тушунчаларнинг мазмунини ёритища Гарб фалсафасидаги субъектив ёндашув моҳияти ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** этнос, миллат, миллатчилик, жамият, давлат, миллий идентификация жараёни, этномиллий концепциялар, субъектив ёндашув, конструктивизм, инструментализм.

### РЕЗЮМЕ:

В статье исследуются философские трактовки понятий «нация», «этнос», «национализм», развитие социально-политических, философских концепций, социально-политическое содержание этнокультурного плюрализма, сущность субъективного подхода в западной философии.

**Ключевые слова:** этнос, нация, национализм, общество, государство, процесс национальной идентификации, этнонациональные концепции, субъективный подход, конструктивизм, инструментализм.

### RESUME:

The article examines the philosophical interpretation of the concepts of "nation", "ethnos", "nationalism", the development of socio-political, philosophical concepts, the socio-political content of ethnocultural pluralism, the essence of the subjective approach in Western philosophy.

**Keywords:** ethnos, nation, nationalism, society, state, national identification process, ethno-national concepts, subjective approach, constructivism, instrumentalism.

## МУНДАРИЖА:

1. Тўйчиев Б.Т.	Ўзбекистонда илк Ренессанс даври онтология таълимотига оид бир маңба ҳақида (Абу Райхон ал-Берунийнинг эътиrozлари" мисолида)	2
2. Топилдиев В.Р.	Фуқаролик қонунчилигида ташкилий-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари ва уларни таснифлаш мезонлари	6
3. Норқулов С.Д.	Ижтимоий онг ва баркамол авлодни шакллантириши	12
4. Кобзева О.П.	Международное научное сотрудничество	16
5. Азимов Ҳ.И.	Булоқ ғалаба йўлида Ўзбекистонликларнинг фронт ортидаги матонати	19
6. Кадирова Ҳ.Б.	Музейларда –акс этган тарих	23
7. Махмудова Ҳ.Т.	Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишида суд-психологик экспертизасининг аҳамияти	27
8. Камилов Ф.О.	Ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини тақомиллаштириши истиқболлари	30
9. Каримов Б.	Меҳр тушунчасининг назарий таҳлили	34
10. Файзиев О.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлани жараёнларида аҳборот технологияларини кўпллаш масалалари	39
11. Агзамходжаева С., Кубатов Ш.	Личность и основные этапы развития «Я» в человеке в процессе осознания философии религий	43
12. Степanova О.И., Абдуллаханова Г.С.	Социологический анализ онлайн и онлайн обучения.	47
13. Хусанова Ҳ.Т.	Ўзбекистонда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини кўплаб-кувватлаш тизимида рақамли технологиялар	51
14. Хушвақова Н.	Оиласи ўрганишининг хориж тажрибаси	55
15. Отакулов Ш.	Гендер тенглил сиёсатига амал қилишининг инновацион ёндашувлари	59
16. Қандов Б.М.	Замонавий жамиятда гендер тенглигини таъминлаш – устувор вазифа сифатида	63
17. Базарбаева Г.М.	Қорақалпоқ ҳалқ достонлари вужудга келишидаги даврлаштириши олимлар нигоҳида	67
18. Абдуназаров С.И.	Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг маънавий-мағкуравий механизmlарини тадқиқ этиши	71
19. Аҳмедова Д.О.	Хотин-қизлар меҳнат миграциясининг ижтимоий оқибатларини штимий ўрганишши	75
20. Shukurov A.Sh.	Virtuallashuv –bu yangicha dunyoqarash.	78
21. Обидов А.Ш.	Ижтимоий-маданий муносабатлар тизимида диний толерантлик генезиси	82
22. Каримов Р.Р.	Трансформации экзистенциальной философии XX века	86
23. Рахимджанова Д.С.	Европа фалсафасида "Эркинлик" тушунчасининг фалсафий таҳлили	90
24. То'хтаяева М.	Imot al-Buxoriy ilmiy merosining Islom olamida tutgan o'rni	93
25. Аҳмедов А.М.	Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини самарали ташкил этишида "Электрон ҳуқумат" тизимининг ўрни	97
26. Қалқонов Э.Т.	Ватанпарварлик эътиқод ва ҳатти-ҳаракатнинг бирлиги сифатида	101
27. Худойназаров О.	ОАВларининг ёшлар маънавий қиёфасига таъсири	105
28. Абдумаликов И.А.	Лизинг фаолиятини амалга оширувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари	109
29. Қаюмов Қ.	Кичик шаҳарлар инфратузилмасида ижтимоий сиёсатни ривоҷлантиришининг устувор жиҳатлари	113
30. Алимухамедова Н.Я.	Farb фалсафасидаги "миллат" тушунчаси: субъектив ёндашув	116
31. Шоимов А.	Ҳаракатлар стратегиясида ёшларга оид давлат сиёсатининг янгича ифода топшиши	120
32. Атавуллаев М.	Инсон ҳуқуқлари ва миллий-ҳуқуқий тизимдаги модернизация жараёнлари	124
33. Ҳожиев Р.Б.	Баркамол авлодни тарбиялаш – мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг устувор йўналиши	128
34. Нуридинов С.Б.	Хитойнинг «Бир макон - бир йўл» ташаббусининг ўзига хос ҳусусиятлари	132
35. Сайдов С.А.	Ибн Муқаффанинг "ал-Адаб ал-Кабир" асарида комил инсон гояси	136
36. Нишонов С.Ж.	Ҳусайн Вонз Коифий мукаммал жамият барпо этиши ва комил инсонни шакллантириши тўгрисида	139
37. Қаршиев Н.	Кўптартиявийлик тизими ва унинг фуқаролик жамиятини шаклланшидаги аҳамияти	143
38. Мирзахмедов Ҳ.А.	Ёшларда "одат"ланиш аҳлоқи	146